

Электрон ҳукуматни жорий қилиш

БМТнинг Тараққиёт учун Ахборот ва Коммуникация Технологиялари бўйича Осиё ва Тинч Океан Ўқув Маркази (ТАКТ ОТЎМ)
 Маълумот учун: Бонбунг, Сонгдо Техно Паркиннг 3-чи қавати, 7-50 Сонгдо-донг, Йеонсу-гу, Инчон ш., Корея Республикаси. Тел: +82 32 245 1700 02. Факс: +82 32 245 7712. Э.ч.адрес: info@unapcict.org <http://www.unapcict.org>

Қисқача мазмуни

Электрон ҳукумат давлатнинг анча сифатли ва иқтисодий жиҳатдан самарали хизмат кўрсатишини таъминлаш ва фуқаролар билан ҳукумат ўртасидаги алоқаларни яхшилаш потенциалига эгадир. Ушбу ахборот давлат лидерларининг электрон ҳукумат нима эканлигини яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беришга ҳаракат қилади ва электрон ҳукуматнинг ҳар хил учта типини қараб чиқади: “фуқаролар учун ҳукумат” (G2C), “Бизнес учун ҳукумат” (G2B) ва “ҳукумат ҳукумат учун” (G2G). Бу ерда, шунингдек электрон ҳукумат дастурларини амалга ошириш бўйича муҳим масалаларни қараб чиқувчи одимловчи раҳбарият келтирилади.

Ушбу ахборот АКТ академиясининг туққизта асосий модулларидан учинчиси асосида давлат бошқарувининг лидерлари (кейин Академия) учун тузилган. Академия тараққиёт мақсадларида АКТ масалалари бўйича тузилган кенг қўламли ўқув дастуридан иборат бўлиб, у сиёсат ишлаб чиқувчиларни АКТ имкониятларидан миллий тараққиёт мақсадларига эришиш ва рақамли тенгсизлиқни бартараф этиш учун зарур билимлар ва малакалар билан таъминлашга мўлжалланган. Академия ҳақидаги батафсилроқ ахборот сайтда берилган: <http://www.unapcict.org/academy>


Муаллиф: Нар Йеон Ли

Серия муҳаррири: Кристина Апикул

Ушбу нашрда баён қилинган фикрлар, расмлар ва баҳолар учун масъулият муаллифлар зиммасидадир ва уларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаган нуктаи назар ёки материал деб қаралиши шарт эмас.

Материалнинг ушбу нашрда фройдаланилган белгиси ва баёни у ёки бу мамлакат, ҳудуд, шаҳар ёки туманининг, ёхуд улар маъмуриятининг ҳуқуқий статусига оид бирон-бир фикрни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибияти номидан ифодаланиши назарда тутмайди.

Фирмалар ва тижорат ташкилотлари номларининг эслатиб ўтилиши уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаганлигини билдирмайди.



Манакининг марказий ва ҳудудий диван идораларидан бўлган мансабдор давлат ишчилари Манакининг Пайн Олун шаҳрида ТАКТ ОТЎМ ва фуқаро хизматини таъмин бўйича ўқув қўламли билан биргаликда таъкил қилинган Электрон Ҳукуматни амалга ошириш бўйича тренингида АКТ соҳасида ўқув қўламлини олиб ўқишда.

1 Электрон ҳукумат нима?

Электрон ҳукуматни (э-ҳукуматни) барча даражадаги давлат бошқаруви, бизнес-ҳамжамият ва фуқаролар ўртасидаги электрон коммуникациялар воситасида амалга ошириладиган ҳукумат фаолияти деб таърифлаш мумкин. Бу фаолият товарлар ва хизматлар сотиб олиш ва беришни, буюртмалар бериш ва олишни, ахборотлар олиш ва беришни, молиявий операцияларни амалга оширишни ўз ичига олади. Кенгроқ маънода электрон ҳукумат бажарилаётган давлат функциялари ва хизматлари сифатини ошириш мақсадида ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ)ни қўлланишни билдиради.

Электрон ҳукумат одатий принцип бўйича ишламайди, балки кўпроқ тузилишни, фаолиятни ва энг муҳими давлатни бошқариш маданиятини ўзгартиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишга қаратилган.

Технология эмас, балки муҳимлик электрон ҳукуматнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлмоғи керак. Электрон ҳукуматнинг ваъда қилинган афзалликларига фақат ахборотни рақамли шаклга айлантириш ва уни Интернетга жойлаштириш билангина эришиб бўлмайди, балки бунга АКТ нинг янги воситаларидан фуқароларга сифатлироқ хизмат кўрсатиш ва ҳукуматнинг самаралироқ ва оперативроқ қилиш учун фойдаланиш ёрдамида эришилади.

Электрон ҳукумат бир марталик ҳодиса ёки қисқа муддатли лойиҳа эмас, балки давлат бошқарувини қайта

қуришнинг фуқароларга хизмат кўрсатишга урғу берилган узоқ муддатли эволюцион жараёндир. Шундай қилиб, электрон ҳукуматнинг юқори даражаси (юқоридан қуйи томон лойиҳалаштирилган) “йўл харитаси”ни қуйидан юқори томон йўналтирилган батафсил ижро режаси билан тузиб чиқмоқ зарур.

Юқоридан қуйи томон лойиҳалаштиришда йўл харитаси узоқ муддатли стратегик, шунингдек тегишли йиллик режаларни ўз ичига олмоғи лозим. Қуйидан юқори томон лойиҳалаштиришда батафсил ижро режаси фуқаролар ва бизнес эҳтиёжларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишга қаратилмоғи лозим. Муҳими, хизматлар аҳамиятга қараб кўрсатилиши ва “йўл харитаси” вазифасига қиритилган бўлиши керак. Энг кўп талаб қилинадиган хизматларга мисоллар жумласига фойдага даромад ва корпоратив солиқ тўлашни, янги компанияларни рўйхатга олишни, паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаси каби шахсий ҳужжатларни расмийлаштиришни, шунингдек ишга жойлаштириш хизматини қиритиш мумкин.

Одатда онлайнга кириш ва электрон ҳукумат хизматидан фойдаланиш катта самара беради. Электрон ҳукумат давлат бошқарувининг ички самарадорлиги ва шаффофлиги доирасидан ташқарида барқарор таъсирга эга бўлиш учун “электрон фуқаролар” (e-citizens) ва “электрон корхоналар” нинг танқидий оммасини талаб қилади. Электрон ҳукуматнинг муваффақияти кўпчилик аҳолининг барқарор талаби ва қўллаб-қувватлашга боғлиқ.

Талаб давлат хизматининг анча самаралироқ кўрсатилиши орқали юзага келган имкониятлардан юксак даражада хабардорлик туфайли вужудга келади. Фуқаролар ва бизнес ҳам ишончли, актуал ва тушуварли рақамли мазмун (контент) тақдим этиш воситасида электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлмоқлари лозим.

2 Электрон ҳукумат моделлари

Электрон ҳукумат, энг аввало, икки қисмдан иборат:

Фронт-офис (ташқи ўзаро таъсирни қувватлаш) ва бэк-офис (ички жараёнларни қувватлаш).

Фронт-офис интернет ёки бошқа рақамли воситалар ёрдамида фуқароларга ва бизнесга онлайн-хизмат кўрсатади. Бэк-офис давлат идоралари ичида ҳам ўртасида ҳам ички давлат бошқарувини ва ахборотлар алмашувини ўз ичига олади. Ушбу ахборот бюллетенида фуқаролар учун “Фуқаролар учун ҳукумат” (G2C) ва “Бизнес учун ҳукумат” (G2B) хизматлари фронт-офис категориясига киради, “ҳукумат учун ҳукумат” (G2G) хизматлари эса Бэк-офис хизматлари категориясига киритилган. Электрон ҳукуматнинг жуда тез-тез тақлиф қилинадиган хизматларидан баъзилари 1-жадвалда келтирилган. Ҳар бир хизмат (G2G) ёки (G2B) га киритилиши мумкин.

(G2G) ва (G2B) хизматлари

(G2G) хизматлари	(G2G) хизматлари
Даромад солиғи	Ходимларни ижтимоий бадаллари
Иш излаш бўйича хизматлар	Корпоратив солиқ
Ижтимоий таъминот	ҚҚС бўйича билдириш ва декларация
Шахсни идентификациялаш	Янги компанияни рўйхатга олиш
Автомобилни рўйхатга олиш	Статистика маълумотларини тақдим этиш
Қурилишга ижозат	Божхона декларацияси
Полицияга ариза	Атроф-муҳит билан боғлиқ ечимлар
Халқ кутубхоналари	Давлат харидлари

2.1. Фуқаролар учун инновацион хизматлар (G2G) ва бизнес учун хизматлар (G2B) (Фронт-офисни таъминлаш – ташқи ўзаро таъсирни қувватлаш тизими) (G2G) хизматлари фуқароларга кўрсатиладиган асосий хизматлар билан бир қаторда аҳоли орасида ахборот

тарқатишни ўз ичига олади, (G2B) операциялари эса давлат билан бизнес ўртасидаги турли алмашув хизматларидан иборат. (G2G) электрон хизматлари ёки АКТ ёрдамида амалга ошириладиган хизматлар ҳукумат доирасидаги ахборот алмашувлари тизими Интернетга асосланган янги қўшимчалар билан ҳаракатланади; булар фуқароларга “ягона ойна” принципи бўйича ишловчи Интернет порталдан фойдаланиб, ахборотлар ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлишга имкон беради. Бундай портал фуқаролар учун қуйидаги хизматларни қилиши мумкин:

- Турли рухсатномалар/гувоҳномалар ва шаҳодатномалар ишлаб чиқиш ва бериш.
- Қонуний –маъмурий ҳужжатлар ва тегишли қонунлар бўйича ахборот.
- Ҳақ тўлаш хизматлари, жумладан солиқларни қайтариш ва ижтимоий йиғимлар.
- Давлатни бошқаришда, жумладан жамоат тингловчиларининг расмий талаби билан чиқишида иштарок этиш ва электрон овоз бериш натижаларини эълон қилиш.

G2B электрон хизмат бизнеснинг “ягона ойна” принципи бўйича хизмат кўрсатишидан иборат. Кўрсатилаётган хизматлар бирлашган фуқароларнинг маъмурий ишларини, ишлаб чиқариш ахборотларини, электрон битимлар хизматини ўз ичига олади. Электрон битимларга харидлар, тендерлар ва турли солиқлар ва давлат йиғимларини тўлаш хизмати киради.

G2Bни самарали қўллаш АКТдан фойдаланишнинг қуйидаги усулларини талаб қилади:

- электрон харидларнинг комплекс тизими, яъни “ягона ойна” принципи бўйича ишловчи давлат харид тизими; унда харид билан боғлиқ барча жараёнлар, чунончи рўйхатга олиш, тендер контракт ва ҳақ тўлаш Интернет орқали амалга оширилади.
- электрон божхона тизими, у импорт ва экспорт соҳасида божхона маъмурий ишларни соддалаштиришга, шунингдек контрабанда билан самарали курашишга имкон беради.
- Интернет орқали товарлар ва хизматлар харид қилиш ва сотишга ёрдамлашувчи электрон тижорат.

2.2. Ҳукуматнинг иш усулларини такомиллаштириш (G2B)

(Бэк-офисни – ички бизнес жараёнларни қўллаб-қувватлаш тизимларини таъминлаш)

G2G электрон хизматини кўрсатишдан мақсад самарадорликни ошириш учун ҳукумат ишининг ички жараёнларини ислоҳ қилишдир. Хусусан, АКТдан фойдаланиб, ҳукуматнинг иш жараёнларини ислоҳ қилиш қуйидаги натижаларга олиб келмоғи лозим:

- Марказий ва маҳаллий бошқарув органларининг ҳисобдорлик тизимлари ўзаро боғлиқдир, бу эса аниқликнинг ошишига олиб келади.

- Самарадорликни ошириш учун муассасалар ўртасидаги ахборот алмашинуви. Корея Республикасида G2G хизматларига айрим мисоллар қуйидагилардир:
- миллий комплекс молия ахборот тизими, у турли давлат муассасаларида мустақил ишловчи 23та ўзаро боғлиқ молия тизимлари ёрдамида реал вақт кечимида ишловчи миллий бюджет-молия фаолиятини бошқаришдан иборат.
- Электрон ҳукуматнинг маҳаллий ахборот тизими, у шаҳар, округ ва район даражасидаги 232та маҳаллий маъмурий муассасаларнинг резидентлар ва кўчмас мулкларни, молия ва солиқларни рўйхатга олиш фаолиятини иборат.
- таълимнинг ахборот тизими ва электрон ўқитиш, у мактабларни, у провинциал таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини умуммиллий ахборот тармоқларига бирлаштиради.
- давлат электрон ҳужжат айланмаси, у барча ҳукумат ҳужжатларини тайёрлаш, тасдиқлаш, тарқатиш ва сақлашни ўз ичига олади.

Давлат бошқарув органларида ҳужжатларни рақамли шаклга айлантириш ва ҳукуматнинг қозғосиз ишлашга ўтиш G2Gнинг энг муҳим ташаббусларидан биридир. Электрон ҳужжат айланмаси, одатда, бошқарувда самарадорлик, ҳавфсизлик ва ишончликни таъминлайди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиб ўринбосари ҳамда ОТОНИК раиси, Нозил Хейер, Тайланд амалдорининг АКТ бўйича Вазир, Мун Патанатай, ва ОТОНИКнинг АКТ ва таъминот хизматини пасайтириш бўлими мудири, Зуан Зенгпей ОТОНИКнинг АКТ ва таъминот хизматини пасайтириш бўлими таъкид қилган биринчи АКТ бўйича Қўллама Сессиясини бошқаришда.

3 Муҳим мулоҳазалар

Бу бўлимда қуйидаги учта муҳим масала муҳокама қилинади: 1) электрон ҳукуматни муваффақиятли жорий этишнинг афзалликлари; 2) электрон ҳукуматни ёйишдаги муваффақиятнинг танқидий омиллари ва ҳавф омиллари; 3) стратегик режалаштириш.

3.1. АКТни ҳукуматга муваффақиятли жорий этишнинг афзалликлари

2-жадвалда АКТ ёрдамида қилинган самарали ислохотлар натижасида ҳукуматнинг иш жараёнида юз берган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган.

Дан	Га
Давлатнинг қозғош хужжатлар айланмаси асосидаги иш жараёнлари	Электрон хужжатлар айланмаси асосидаги жараёнлар
Департамент ишига йўналтирилган жараёнлар	Хизмат кўрсатилган йўналтирилган жараёнлар
Давлат муассасаларининг кўп сонли контрактлари ва шахсий (юзма-юз) учрашувлари	Ягона контракт нуқтаси ва онлайн-кириш, бу давлат муассасаларига шахсан келишни кераксиз қилиб қўяди.
Турли департаментлар ўртасидаги кўп сонли такрорланишлар ва ортиқчиликлар билан департамент даражасида ахборот ресурсларини бошқариш	Хукумат доирасида конвергенция сифатида характерланадиган ягона стандартдан фойдаланиб, ахборот ресурсларини бошқариш

2-асосида. Электрон хукуматни асосий этиш натижасида хукуматнинг иш жараёнида юз берган ўзгаришлар

Кўрсатилган ўзгаришлар транзакциялар вақтини камайтириш ва ортиқча бюрократик даражаларни бекор қилиш ҳисобидан давлат бошқарувидаги самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни оширади. Бундан ташқари, электрон хукумат давлат муассасалари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро таъсирга имкон бериш орқали хукумат билан фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради, шунингдек ахборот универсал ва тушунарли бўлади.

3.2. Муваффақиятнинг танқидий омиллари Муваффақиятнинг бешта танқидий омили бўлиб, уларни давлат лидерлари электрон хукуматни амалга ошираётганда қараб чиқишлари лозим.

I. Концепция, мақсадлар, стратегия

Аниқ ифодаланган концепцияси ва стратегияси бўлган узоқ муддатли режа электрон хукуматни амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Қисман режалаштирилган ёндашувлар ёки тез тузатишлар билан ёндашувлар ишламайди. Кўпроқ самарали ёндашув кенг қўламли фикрлаш ва “катта манзарани” кўриш лаёқатидадир (юқоридан пастга лойиҳалаш). Бироқ жорий қилиш жараёни давомида ишни кичик ва устувор вазибалардан бошлаш керак (пастдан юқорига лойиҳалаштириш). Умуман, муваффақиятли электрон хукумат учун қуйидагилар талаб этилади:

- раҳбарларда аниқ ҳис этиш;
- фуқароларнинг кучли мадади;
- иш ҳаракатлар изчиллигини режалаштириш.

II. Қонунлар ва норматив актлар

Қонунларни ўзгартриш учун етарли миқдорда вақт ва меҳнатни режалаштириш муҳимдир, чунки булар янги жараёнлар жорий этилишини қўллаб-қувватлаш учун талаб этилиши мумкин. Электрон хукуматнинг муваффақияти учун қуйидаги қонунлар талаб этилади:

- Хусусий ҳаётнинг ва у билан боғлиқ масалаларнинг дахлсизлиги тўғрисида қонун.
- Бизнес жараёнлардаги ва ахборот тизимларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонун.
- Ахборот технологиялари ва интеграциялашган ҳисоблаш маркази тузиш соҳасида давлат архитектураси тўғрисида қонун.

III. Ташкилий тузилма.

Бу соҳадаги зарур кучларга етарлича баҳо бермаслик тўғри эмас. Ташкилий қайта тузиш, одатда, умумий иш ҳажмининг 30 дан 50 фоизгача бўлган қисмини ташкил қилади. Ташкилий тузилмалардаги ўзгаришлар мунтазам равишда яхши режалаштирилиши ва амалга оширилиши лозим. Самарали ташкилий ўзгаришларни амалга оширишда қуйидагилар муҳим роль ўйнайди:

- кучли ва масъул раҳбарлик;
- АТ ва ўзгаришларни бошқариш соҳасида менежментни режалаштириш;
- Бюджетни тайёрлаш ва ижро этиш;
- Координация ва ҳамкорлик;
- Мониторинг ва унумдорликни ўлчаш;
- Хукумат - хусусий сектор - фуқаро сектори линияси бўйича шерикларнинг биргаликдаги ҳаракати.

IV. Бизнес жараён

Бизнес юритишнинг амалдаги усули албатта мақбул ва самарали бўлиши шарт эмас. Бизнеснинг жараёнлар инновациясининг воситаларидан бири бизнес жараёнларини қайта ташкиллаштириш (БЖКТ). БЖКТ жараёнининг самарадорлигини ошириш учун (яъни иш жараёнидаги самарасизликни бартараф этиш учун) департаментлар ичидаги ёки ўртасидаги ишчилар оқимини қайта қуришни назарда тутати.

V. Ахборот технологиялари

Ахборот технологиялари тез ўзгармоқда. Технология ва тез етказиб берувчиларни танлашда ҳисобга олиш керак бўладиган омиллари қуйидагилардир:

- қўлланилаётган технологияларгаталаб даражаси;
- Тармоқ инфратузилмаси;
- Мослик ва стандартлаш;
- Техника ва кадрлар

потенциалининг мавжудлиги.

3.3. Электрон хукуматни ёйишдаги хавф омиллари


Электрон хукуматнинг амалга оширилиши кўпгина мамлакатларда қутилган юксак

умидларни оқламаганлиги тўғрисидаги фикрлар кенг тарқалди. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бутун дунё бўйича электрон хукуматни жорий этиш дастурининг 35%и муваффақиятсизликка учради, 50 %ини муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин.¹ Ривожланаётган мамлакатларда электрон хукуматни ёйишнинг барбод бўлишига олиб келган омиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлатни бошқарув тизими доирасида келишувнинг йўқлиги; хукумат томонидан кўрсатилаётган ички қаршилиқ;

- ноадекват режалар ва стратегиялар; электрон хукумат тарқок ва тартибсиз равишда жорий қилинмоқда;
- зарур инсон ресурслари йўқ; институционал ва инсон салоҳияти етишмайди;
- инвестиция режаси йўқ;
- АТ ва ускуналар етказиб берувчилар етишмайди;
- технологияларнинг етилмаганлиги технологияга ҳаддан ташқари урғу берилиши ёки ривожлантиришнинг технологияга йўналтирилиши;
- тегишли текширувчиларсиз ва тайёргарликсиз ва ҳал этувчи маҳаллий манфаатдор томонлардан қўйиладиган тегишли ҳиссаларсиз тез жорий қилиш.

Энг муҳим вазифа қарорлардан ҳеч бири барча вазиятларга мос келиши мумкин эмаслигини тушунишдан иборат. Осиё ва тинч океан минтақаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий бошқарув жиҳатдан жуда хилма хил шароитлари билан характерланади ва булар турли ёндашувларни талаб қилади.




Спутник алоқаси узоқ ва ёришни қийин бўлган қишлоққа ахборот олинганлигини осонлаштирди.

3.4. Электрон хукуматни статистик режалаштириш

Электрон хукуматни самарали жорий қилишда пухта ўйлаб чиқилган стратегия катта аҳамиятга эга. Стратегик режа ташкилот учун ўрта ва узоқ муддатли истикболда ҳозирги ҳолатдан исталаётган ҳолатга ўтиш учун “йўл харитасини” ифодалайди.

Стратегик режалаштириш жараёнини 1-расмда кўрсатилган бешта қадамдан иборат.

¹ Ахборот жамияти бўйича миллий агентлик, “Осиёни электрон хукумати воситасида бирлаштириш” (Asia e-government Forum 2007, Сеул ш., Корея Республикаси, 20 сентябр, 2007)



1-расм. Стратегик режалаштириш жараёнининг беш қадами

1-қадам. Ҳозирги муҳитнинг таҳлили.

SWOT-таҳлил электрон ҳукуматнинг муайян мақсадларига эришиш учун қулай ёки ноқулай бўлган ички ва башқи омилларни аниқлаш учун қўлланилади.

SWOT аббревиатураси номларининг бош ҳарфларидан тузилган: кучли томонлар (Strengths), заиф томонлар (Weaknesses), имкониятлар (Opportunities) ва таҳдидлар (Threats).

2-қадам. Хиссиётни аниқ таърифлаш

Хиссиётнинг таърифи ташкилот қандай бўлишига интилаётган бўлса шунини ифодаловчи фикрдир. У келажакни назарда тутди ва ташкилот аъзоларини орзу қилинган бўлуси ташкилотга эришишга илҳомлантириш учун хизмат қилади. Хиссиётнинг таърифи аниқ бўлиши керак. Шунингдек, у реалистик, эришб бўладиган орзуларни ифодалаш ва айни вақтда илҳомбахш идеал бўлиб қолиши лозим. Бундан ташқари у ташкилот маданияти ва кадрлар билан мос ҳолга келтириш керак.

3-қадам. Хиссиётни мақсадга айлантириш.


Мақсадлар хиссиёт асосидаги узок муддатли (3 йилдан 5 йилгача) йўналишлар ва бурчлардир.

4-қадам. SWOT — таҳлил натижаларига мувофиқ стратегияни таърифлаш ва кўрсатилган мақсадларга эришиш.

Стратегиялар Электрон ҳукуматнинг “йўл харитаси”да белгиланган муайян мақсадларга эришиш учун конкрет бошқарув вазифалари ва тадбирларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, стратегия кенг қамровли бош режанинг тузилиши бўлиб, у ҳукуматнинг қандай қилиб ўз мақсадларига эришини белгилаб беради. Стратегиянинг амалга ошириш дастурлар бюджетлар ва жараёнларни ишлаб чиқиш воситасида стратегия ва сиёсат ҳаётига тадбиқ қилинадиган жараённи билдиради.

5-қадам. Стратегиялардан конкрет ва ўлчаб бўладиган мақсадларни ифодалаш.

Тактик мақсадлар (objectives) режалаштирилган фаолиятнинг якуний натижаларидир. Тактик мақсадлар муайян пайтларда эришиш лозим бўлган нарсанинг конкрет ва ўлчаб бўладиган тасдиқи бўлмоғи лозим. Тактик мақсадлардан фарқли ўлароқ, стратегик мақсадлар (goals) эришилиши лозим бўлган нарсани миқдориё баҳоларсиз ва тугаллаш учун муваққат мезонларсиз бажарилиши талаб қилинадиган нарсанинг очиқ-ойдин тасдиғидир.



Каттамуҳоҷлар Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида БМТ-ТАКТ ОТЎМ / ОТОИИК, Осиё Ривожланиш Банки ва Миллий Ахборот Жамияти Ассотсиациясида ташкил қилинган Лойиҳаланишнинг Худудий Треннингнинг қисми бўлиши “Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини АКТ орқали ошириш” тақдирининг тингловчида.

4 Раҳбар принциплар.

Хулосада:

1. Электрон ҳукумат бир марталик хулоса ёки қисқа муддатли лойиҳа эмас, балки фуқаролар ва бизнесга хизмат кўрсатиш жараёнига урғу бериб, давлат бошқарувини ўзгартиришнинг узок муддатли эволюцион жараёнидир.
2. Интернет хизматидан фойдаланиш имкони катта бўлса ва бу хизматдан фойдаланиш қанча кенг ёйилган бўлса электрон ҳукуматнинг таъсири шунча кўп бўлади.
3. Электрон ҳукумат кўпчилилик аҳолининг талаби ва ёрдами қўпи бўлсагина муваффақият қозонади. Шунинг учун фуқаролар ва бизнеснинг қандай хизмат турларига муҳтожлигини билиш муҳимдир.
4. “Ягона ойна” принципи бўйича хизмат кўрсатишнинг кўп каналли инфраструктурасини, шу жумладан жисмоний шахслар учун хизмат марказлари, телемарказлар, веб-порталлар, мобил порталлар ва ҳ.к.ни ишлаб чиқиш зарур.
5. Тегишли, ишончли ва фойдаланиш учун қулай онлайн ва мобил контентни ишлаб чиқишга қўмаклашиш талаб қилинади.
6. Танқидий омиллар ва хавф омиллари электрон ҳукуматни амалга оширишда хатолар ва муваффақиятсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар томонлама ўрганилиши лозим.

ТАКТ ОТЎМнинг ахборот бюллетенлари серияси тараққиёт мақсадида ахборот ва коммуникация

технологиялари (ТАКТ) бўйича муҳим дастурлар ҳақида энг юқори даражада сиёсат ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи мансбдор шахслар учун ахборотий тасаввур беришга интилади. Серия қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Ҳаммага маъқул бўлган илмий-тадқиқот ишларининг асосий жиҳатлари, баҳо ва шарҳлар берилган ҳисоботлар ва нашрлар;

2) Академия модулларини ўрганиш вақтида қараб чиқилган сиёсий мулоҳазалар;

3) Илғор тажрибани ва тематик тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида олинган сабоқлар ва муҳим муаммолар.

ТАКТ ОТЎМ, БМТнинг минтақавий институти ва Осиё ва Тинч океани учун ижтимоий ва иқтисодий комиссия (ОТОИИК) 2006 йил 16 июнда Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида тузилган ва ўз иштини бошлаган. ТАКТ ОТЎМнинг роли ва вазифаси (ОТОИИК)нинг 62 аъзоси ва Ассоциацияланган аъзо мамлакатларнинг АКТ соҳасида инсон ва ташкилот салоҳиятини яратиш орқали ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида АКТдан фойдаланишда эришган ютуқларини мустаҳкамлашдан иборат. Ўз мандатини бажаришга интилан ТАКТ ОТЎМнинг иши бир-бири билан боғлиқ учта компонентга жамланган — ўқитиш, консультация хизматлари ва тадқиқот.

Ахборот бюллетенлари серияси тадқиқот компонентининг бир қисмидир, шунингдек ушбу тадқиқот компонентига тематик тадқиқотлар серияси қиради, у ТАКТнинг ва Осиё Тинч океан минтақасида салоҳиятни мустаҳкамлашнинг турли масалалари бўйича илғор тажриба ва тематик тадқиқотлар йиғмиси ва таҳлилидан иборат.